

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Н.А.Муслимов, О.А.Қўйсинов, Ш.С.Абдураимов

**МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ
МЕТОДИКАСИ ФАНЛАРИДАН**

КУРС ИШЛАРИ

**БАЖАРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК
ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2009

Н.А.Муслимов, О.А. Қўйсинов, Ш.С.Абдураимов. Меҳнат ва касб таълими методикаси фанларидан курс ишлари бажариш бўйича методик қўлланма.– Тошкент: ТДПУ, 2009. – 39 б.

Мазкур методик қўлланмада Меҳнат таълими ва Касб таълими (Сервис), Касб таълими (Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариши ва уларни автоматлаштириш), Касб таълими (Технологик машиналар ва жихозлар) бакалаврият таълим йўналишлари талабалари учун меҳнат таълими методикаси ҳамда касб таълими методикаси фанларидан курс ишлари, уларнинг мавзулари, курс ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар ва амалий бажариш бўйича методик тавсиялар берилган.

Методик қўлланмадан меҳнат таълими ва касб таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврият талабалари, профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар:

- Н.А.Муслимов** – Низомий номидаги ТДПУ магистратура бўлими бошлиғи, п.ф.д., профессор.
О.А.Қўйсинов – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси доценти в/б., п.ф.н.
Ш.С.Абдураимов – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси ўқитувчиси

Тақризчи:

- Ў.Қ.Толипов** – Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ директор ўринбосари, п.ф.д.
Р.Г.Муллахметов – Низомий номидаги ТДПУ «Касб таълими методикаси» кафедраси мудир, п.ф.н.

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий методик кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

2009 йил «_19» ноябрьдаги 4 - сонли баённома.

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш	4
Курс ишларини бажариш юзасидан методик тавсиялар	5
Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар	6
Курс ишини ҳимоя қилиш тартиби	6
Курс ишларини бажаришда техник моделлаштириш ва лойиҳалаш	8
Йўналишлар бўйича курс ишлари учун мавзулар	10
Курс ишини тайёрлаш тартиби намуналари	30
Курс иши мавзусини ёритишда эътиборга олинadиган омиллар ва фойдаланиладиган манбалар	33
Курс ишларини бажаришда технологик харита тузиш намунаси	37
Тавсия этиладиган адабиётлар	38

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида, жумладан, меҳнат ва касб таълимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳар томонлама етук, эркин фикрлай оладиган шахс, малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири экани Президент И.А.Каримов асарлари ва нутқлари, давлат ҳужжатларида кўп бор таъкидланган. Бу борада қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида яратилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Таълим тизимидаги ислохотлар, энг аввало, эркин фикрлай оладиган, изланувчан, янгиликка интилувчан шахс тарбиясига қаратилган.

Педагогика олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси таълим тизими учун юқори малакали педагоглар тайёрлашдир. Ўқитувчи инсон яратган барча илм–қадриятларни эгаллаган, ижодкор шахс ҳисобланади. Ўқитувчилик қилиш учун мутахассисликка оид, педагогик ва психологик билимларни чуқур эгаллаши, илмий – тадқиқот ишларига ҳам лаёқатли, ўқувчилар таълим тарбияси жараёнига ижодий ёндошиш кўникма ва малакаларини ҳам эгаллаган киши бўлмоғи лозим. Бундай ўқитувчини шакллантириш учун олий таълим муассасалари талабалари фаолиятида илмий – тадқиқот элементларини ҳам қўллаш лозим.

Талабаларнинг илмий–тадқиқот ишлари ўз навбатида улардан чуқур мустаҳкам билим эгаллашни талаб қилади. Мустақил билимларсиз амалий, ўқув – тарбиявий ишларга ёндошиш мумкин эмас.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари аввало курс ишларини бажариш жараёнида шаклланиб боради. Курс ишини бажаришда қуйидаги вазифаларга аҳамият берилиши лозим:

- талабаларнинг изланишга, тадқиқотчилик фаолиятига, ўқув–тарбиявий ишларга ижодий ёндошишни ривожлантириш;

- мутахассисликка оид педагогик–психологик фанларга оид ўқув–тадқиқот кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- адабиётлар ва бошқа илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилиятларини ўстириш;

- талабалар билан олиб бориладиган таълим–тарбиявий ишлар, шунингдек мутахассислик фанлари соҳасидаги муаммоларни кўра олиш ва шу соҳада илмий – тадқиқот ишлари олиб бориш кўникма ва малакаларини эгаллаш;

- ўз фаолиятини муваффақиятли ташкил қилишда илмий–тадқиқот методларидан фойдаланишга ўрганиш.

Мазкур методик қўлланмада меҳнат ва касб таълими методикаси фанларидан курс ишлари ва уларни бажариш юзасидан тавсиялар ҳамда кўрсатмалар берилган.

Курс ишларини бажариш юзасидан методик тавсиялар

Меҳнат таълими ва касб таълими методикаси фанидан курс ишлари фан юкламаси тугатилгандан сўнг, талабаларда меҳнат таълими ва касб таълими ўқув курслари ҳақида тўлиқ маълумот шакллангандан кейин бажарилиши талаб қилинади. Курс ишлари талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва бойитиш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, адабиётлар билан ишлашга ўргатиш каби мақсадларни кўзлайди.

Шу мақсадларнинг тўла-тўқис амалга ошиши учун курс иши топшириқлари шундай тузилиши керакки, уни бажариш учун талаба курснинг барча бўлимларига, методик адабиётларга, амалий иш тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келсин.

Курс иши тушунтириш хати ва чизмаларни ўз ичига олади. Тушунтириш хатининг ҳажми чекланмайди. У тахминан 25-30 бетни ташкил этади. Чизмаларнинг мазмуни аниқ топшириқлар билан белгиланади.

Курс иши топшириғи бирор мавзуга тегишли календар-тематик режа; мавзуга бағишланган дарслар тизимини ишлаб чиқиш, бирор мавзунинг дарс режа-конспектини тузиш, педагогик технологияларга асосланган дарс ишланмаларини тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Дастлаб мавзунинг ўқув дастуридаги тутган ўрни, уни ўрганишнинг календарь муддатларини аниқлаш талаб этилади, сабаби бусиз бошқа ўқув фанлари билан дидактик алоқа ўрнатиб бўлмайди.

Курс ишида қуйидагилар акс эттирилади:

1. Мавзу тавсифи. Мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси.
2. Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.
3. Мавзунинг ўқув-тарбиявий вазифалари.
4. Мавзуни ёритишда фойдаланиладиган илмий- тадқиқот методлари.
5. Мавзу материалларни назарий ва методик асосларини очиқ бериш.
6. Мавзунинг назарий асосларини ўқув жараёнидаги меҳнат операциялари бажарилишининг методик жиҳатдан тавсифи.
7. Мавзуни ёритиш методикаси. Меҳнат таълими ва касб таълими методикаси фанининг асосий тушунчалари, дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календар мавзули режа, дарснинг хронологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар ва хоказо.
8. Мавзуни ёритишда педагогик технология методларидан фойдаланиш. Педагогик технология тушунчасини ўзлаштириш, педагогик технологияга берилган таърифлар билан танишиш, педагогик технология методларини қўллаган ҳолда дарс ишланмаси тайёрлаш.
9. Ўқув ишлаб чиқариш ишлари.

10. Мавзуни ўрганиш учун зарур моддий-техник база тайёрлаш.
11. Инструкцион - технологик ҳужжатлар.
12. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.
13. Мавзуни ўрганиш режаси ва техник ҳужжатлар.
14. Хулоса тайёрлаш ва таклиф ва мулоҳазаларни билдириш.
15. Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини келтириш.

КУРС ИШИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМАЛАР

Курс ишининг тузилиши

Кириш.

Масаланинг долзарблиги; мавзуга доир адабиётлар таҳлили; илмий-тадқиқот методлари.

Асосий қисм:

1-бўлим. Мавзунинг илмий-назарий асослари.

2-бўлим. Мавзуни ёритиш методикаси ва педагогик технология методлари асосида дарс ишланмаси.

3-бўлим. Тажриба-синов ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари.

Хулоса. Илмий изланишдан олинган натижалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Курс ишини бажариш босқичлари ва уни ҳимоя этиш тартиби

1. Мавзуни танлаш. Курс иши режасини тузиш ва уни тасдиқлаш.
2. Адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш.
3. Курс иши мавзуси юзасидан илғор педагогик ишларни ўрганиш.
4. Олинган маълумотларни жадвал ва схемада ишлаб чиқиш.
5. Курс иши ҳимоясида кафедра ўқитувчилари иштирок этади.
6. Курс ишини баҳолашда ҳар томонлама бажарган ишлар ҳисобга олинади.
7. Курс иши раҳбари ҳимоя қилинган ишни таҳлил қилиб, яқунлаб беради.
8. Курс иши ҳимояси тақдимот шаклида намоён қилинади.
9. Муддатида улгура олмаган ёки ҳимоя қила олмаган талаба академ қарздор деб ҳисобланади.

КУРС ИШИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Олий таълим муассасида бакалавриатуранинг тўрт йил давомида ҳар бир талаба ўқув режасига биноан камида 4 та курс иши ёки курс лойиҳаларини бажаради. Курс ишлари талабанинг профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилган мустақил иши бўлганлиги учун унинг натижаси, кафедра томонидан тайинланган, деканат томонидан тасдиқланган уч кишидан иборат комиссияда, аввалдан белгиланган режа асосида ҳимоя қилинади.

Кафедра томонидан берилган топшириққа асосан талаба курс ишларини тўлиқ бажариб, расмийлаштиради ва кафедрага расмий равишда топширади. Шундан сўнг курс иши раҳбарининг ижобий тақризи билан ҳимояга қўйилади.

Ҳимоянинг ўтказилиш тартиби қуйидалардан иборат:

1. Комиссияга тақдим этилган иш комиссия раиси томонидан эълон қилинади эътирозлар бўлмаса, муаллифга 5-10 дақиқа ишнинг мақсади, моҳияти, олинган натижа ва хулосаларни баён қилишга рухсат этилади.

2. Ҳимоя вақтида талаба курс ишлари материалларидан, график тасвирлари ва қўшимча маълумотлардан фойдаланишга ҳақли ҳисобланади.

3. Ҳимоя режада кўрсатилган барча талабалар ҳимоя қилингандан сўнг, комиссия аъзолари ҳоли қолиб, бир қарорга келинади ва рейтинг тизимига асосан баҳоланади.

4. Сўнг ҳимоячилар, қатнашувчиларнинг барчалари таклиф этилиб қўйилган баҳолар эълон қилинади.

5. Қониқарсиз баҳоланганлар, академик қарздор ҳисобланиб, деканат белгиланган режага асосан яна бир бор ҳимоя қилишлари мумкин.

6. Комиссияга топширилган курс ишлари расмий равишда кафедрага сўнг архивга камида 5 йил муддатда сақлаш учун топширилади.

Курс ишлари 100 балли тизим асосида баҳоланади. Курс ишини бажаришда 55 баллдан кам тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

№	Эътибор бериладиган ҳолатлар	Балларнинг вазифалар бўйича тақсимланиши
1	Курс ишининг тузилмаси	5
2	Мавзунинг долзарблигини асослаш	5
3	Мақсаднинг тўғри қўйилганлиги ва ечимга эришилганлиги	10
4	Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар таҳлили	5
5	Мавзуни ёритиш методларининг тўғри танланганлиги ва татбиқ қилинганлиги	30
6	Аниқланган назарий маълумотларни амалда синаб кўрилганлиги ва асосланганлиги	15
7	Дарс ишланмаларини тайёрлашда педагогик технологияларнинг тўғри қўлланилганлиги	25
9	Олинган якуний хулосаларнинг белгиланган мақсадга мувофиқлиги	5
	Жами	100

Курс ишларини бажаришда техник моделлаштириш ва лойиҳалаш

Олий таълим муассасаларида айниқса бўлажак меҳнат таълими ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда меҳнат ва касб таълими методикаси фанларидан курс ишларини бажаришда техник моделлаш ва лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли бажаришда турли ташкилий шакл ва методлардан фойдаланилади, жумладан:


- техник маълумотлар бериш;
- тадқиқотчилик ва амалий фаолият, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- техник билимларни, меҳнат усулларини, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш;
- дизайн, эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш;
- конструкторлик-технологик мазмундаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, юксак даражадаги меҳнат интизомига ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилиши ва ҳ.к.

Техник моделлаштириш жараёни бирор бир ноёб, қимматбаҳо хуллас кўп маблағ сарфланадиган иншоотлар, агрегатлар, машиналар ва ҳоказоларнинг моделини яратиш ҳисобланади. Одатда моделнинг ўлчамлари асл нусхага нисбатан анча кичик бўлади ва шунга кўра ундан арзонга тушади. Модель тузилиши жиҳатидан аслидан фарқланиши мумкин, лекин унда ишлаш жараёнида аслида содир бўладиган физик ҳодисалар кузатилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёни учта асосий босқичдан иборат:

- модель ясаш учун техник хужжатларни (техник шартлар, чизмалар, технологияни) тайёрлаш, модель ясаш ва уни синаб кўришдан иборат.

Техникада ишлатиладиган моделлар 3 турга булинади. Меҳнат ва Касб таълими методикаси фанларидан талабалар курс ишларини бажаришлари учун ушбу турларни билиши талаб этилади.



Геометрик ўлчамларда ўхшашлик - Кўргазмали қурол мақсадида ишлатиладиган объектнинг ташқи қиёфасини англатади. Бундай моделлар

талабаларни замонавий машина, механизмлар тузилиши, ишлаш мезонлари билан таништиради.

Физикавий ўхшашлик - Ўрганилаётган объектнинг ҳаракат динамикаси, ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, хусусиятлари ва ўхшашликларини кўрсатади.

Ҳаракатли ўхшашлик - Тирик мавжудотларнинг ҳаракатларини моделлаштириш тушунилади. Бу турдаги моделларнинг аслига яқин бўлишни таъминлаш мақсадида кўп ҳолатларда улар тирик мавжудотлар, инсонларга ўхшаш қилиб яратилади.

Талабаларга техник моделлаштиришни ўргатиш жараёнида инсон ўз амалий фаолиятида табиат қонуниятлари ва ҳодисаларидан фойдаланишини кўрсатиб бериш, уларни замонавий ишлаб-чиқариш соҳалари билан таништириб чиқиш керак. Бунда талабаларнинг фан асослари бўйича олган билимларини устахонадаги амалий ишлари билан боғлаш керак.

Талабаларнинг техник моделлаштириш жараёнидаги фаолияти асосан техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва модель ясашдан иборат бўлади. Шунинг учун энг аввал талабаларни чизмаларни ишлашга, технологик жараённи тузишга, моделнинг деталларини тайёрлаш ва уларни йиғишга жалб этиш учун энг қулай моделлар ясашни назарда тутиш лозим.

Талабаларга моделлаштиришни ўргатиш жараёнида объектларни тайёрлаш қуйидагича уч босқичда амалга оширилади:

- 1) мукамал техник ҳужжатлар бўйича;
- 2) қисқартирилган техник ҳужжатлар бўйича;
- 3) техник шартлар ёки ўз шартлари бўйича;

Моделлаштиришни ўргатишдаги биринчи босқичнинг хусусияти шуки, унда талабалар топшириқни бажариш учун барча бошланғич маълумотларни тайёргина оладилар. Бу эса ана шу босқичда талабаларнинг ижодкорлиги учун ҳеч қандай шароит бўлмайдигани дегани эмас. Чунки чизмалар, объектнинг техник шартлари ва технологик харита мавжуд бўлган тақдирда ҳам, талабаларнинг маълум даражада мусатақил ишлашига тўғри келади. Улар аввало техник ҳужжатларни тушуниб олишлари: чизмани ўқишлари ва технологияни ўрганишлари шарт.

Моделлаштиришни ўргатишнинг иккинчи босқичи талабалар топшириқни бажариш учун керакли маълумотларни тўлиқ олмаслиги билан тавсифланади.

Улар ёрдамчи адабиётдан фойдаланиб, буюмнинг лойихасини, уни тайёрлаш технолгиясини ишлаб чиқишга ва ҳоказоларга жиддий ёндошиб, мазкур маълумотларнинг бир қисмини мустақил ҳолда ўзлари топишлари керак. Қисқартирилган техник ҳужжатларда бир йўла ҳам чизмаларни ўқиш ва ишлаб чиқиш, ҳам лойихалаш ва технологик жараённи ташкил этиш вазифаларини назарда тутиш тавсия қилинади. Талабалар етишмайдиган маълумотларни шу тарзда топиш учун чизмачилиқдан, шунингдек

лойихалаш ва технологиядан олинган билимларни ижодий қўллашлари лозим.

Моделлаштиришни ўргатишнинг учинчи босқичи талабаларнинг ўз ижодий тасавури ёки буюмга қўйиладиган шартлар бўйича бажарадиган мустақил ишидир. Моделлаштиришда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари фарқи айниқса яққол кўринади.

Бунда маълум даражада айрим талабаларнинг онгли мустақил таълим фаолияти билан шуғулланиши хар ҳил техник қурилмаларни лойихалаш ва тайёрлашга қизиқишлари сабаб бўлади.

Лойихалаш – асл нусхадаги машиналар, мосламалар, жихозлар ва ҳоказоларнинг чизмаларини яратишга қаратилган ижодий жараёндр. Лойихалаш билан шуғулланиш учун аввало кенг график ҳамда технологик билим ва малакаларга эга бўлиш керак. Шунингдек, буюмларнинг мустақамлиги, аниқлиги ва ҳоказоларига оид мураккаб ҳисобларни бажариш имконини берадиган махсус лойихалаш билимлари ва малакалари ҳам зарур.

Талабалар техник моделлаштириш билан шуғулланишда буюмларни лойихалаш, тайёрлаш ва пардозлаш бўйича қуйидаги ишларни бажарадилар:

1. Лойихаланадиган буюмнинг вазифаси ва қўлланиши билан танишиш;
2. Буюмдан фойдаланиш ва уни тайёрлаш жараёнига асос бўладиган физик, кимёвий ва бошқа жараёнларни аниқлаштириш;
3. Умумтехник ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, қўйилган вазифани ҳал қилинишининг энг яхши вариантини танлашда улардан фойдаланиш;
4. Буюмнинг бир нечта эскиз вариантларини тайёрлаш ва улардан энг яхшисини танлаш;
5. Буюмнинг техник лойихасини ишлаб чиқиш;
6. Буюмга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;
7. Айрим деталларни, узеллар ва умуман буюмни тайёрлаш ҳамда ростлаш;
8. Буюмнинг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этиш;
9. Буюмни пардозлаш;
10. Буюмни тайёрлашга доир ўқув-техник хужжатларга тузатишлар киритиш.

ЙЎНАЛИШЛАР ЛАР БЎЙИЧА КУРС ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

Меҳнат таълими ва Касб таълими (Сервис), Касб таълими (Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариши ва уларни автоматлаштириш), Касб таълими (Технологик машиналар ва жихозлар) бакалаврият таълим йўналишлари талабалари учун меҳнат таълими методикаси ҳамда касб таълими методикаси фанларидан курс ишлари мавзуларини танлашда талабаларнинг қизиқишлари, курс иши мазусини илмий асосда ёритишга лаёқатлилиги, курс иши мавзуларининг замонавий

таълим муаммоларига боғлиқлиги каби масалларга етарли даражада эътибор берилган ҳолда танланиши лозим.

5140900 – Касб таълими (5220700–Технологик машиналар ва жиҳозлар)

т/р	Курс иши мавзуларининг номи	Ажратилган соат ҳажми
1.	Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш ишларини ташкил қилиш.	4 соат
2.	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Техник механика» фанини ўқитиш методикаси	12 соат
3.	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электротехника ва радиотехника» фанларини ўқитиш методикаси	48 соат
4.	«Касб-ҳунар таълимида аниқ касб бўйича ўқувчилар эгалашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари»	4 соат
5.	«Ўқувчиларга касб-мутахассислигини танлаган юзасидан касбий-тиббий бўйича қўйилган талаблар»	6 соат
6.	«Ўқувчиларда-танлаган касб-мутахассислигига қўйилган махсус талабларга шаклланган муносабатлар ва уларни таҳлили»	6 соат
7.	«Ўқувчиларни-коллежда танлаган касбий-мутахассислиги талабларига биноан ташкил этилган шарт-шароитларга бўлган ижобий муносабатлари».	6 соат
8.	«Ўқувчиларни коллежда танлаган касбий – мутахассислиги юзасидан ташкил этилган ўқув-тарбия ишларига бўлган ижобий муносабатлари»	6 соат
9.	«Алоқа тармоқларидан - шу йўсиндаги аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ва дастлабки тайёрлаш асослари»	6 соат
10.	«Радио ва телевидения тармоқларидан - шу йўсиндаги аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ва дастлабки тайёрлаш асослари»	6соат
11.	«Электроника тармоқларидан - шу йўсиндаги аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ва дастлабки тайёрлаш асослари».	6 соат
12.	«5-7 синфларнинг меҳнат таълими устахоналари (иш жойлари), асбоб-ускуналар, станок ёки машиналар, мосламалар ҳақида уларга қўйилган педагогик, методик, техник-технологик, техника хавфсизлик ва санитария-гигиена ва бошқа талаблар»	12 соат
13.	«Меҳнат ва касб таълими юзасидан ташкил этилган радиотехника тўғарақларда, ўқувчилар бажарадиган ишларида мавжуд ғоя ва тамойилларни - умум таълим фанлар асослари билан узвийлик ва узлуксиз ҳолатда	12 соат

	боғланиши»	
14	«Меҳнат ва касб таълими юзасидан ташкил этилган электротехника тўғарақларида, ўқувчилар бажарадиган ишларида мавжуд ғоя ва тамойилларни - умум таълим фанлар асослари билан узвийлик ва узлуксиз ҳолатда боғланиши»	12 соат
15	«Металга ишлов берадиган объектларга электротехника элементларини киритиб, уларни узвий ҳолатда тайёрлаш технологияси ҳамда методикаси» мавзусини ўқитиш методикаси.	12 соат
16	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Маиший хизмат объектларида электротехника элементларини киритиб, уларни узвий ҳолатда ишлатиш технологияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	12 соат
17	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Озиқ- овқат объектларида электротехника элементларини киритиб, уларни узвий ҳолатда ишлатиш технологияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	12 соат
18	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Уй-рўзғор буюмларини дазмоллаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
19	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Уй-рўзғор буюмларини дазмоллаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
20	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр печларни тузилиши» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
21	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Суюқлик қайнатадиган электр асбоблар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
22	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Кондиционер ўрнатилиши ва тузилиши» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
23	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электрофенлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
24	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр чангютгичлар ишлаш принциплари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
25	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Кир ювиш машиналари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
26	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Кир ювиш машиналарининг техник хавфсизлигини таъмирлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
27	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Музлатгичлар ва уларнинг тузилиши» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
28	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Уй-рўзғор	4 соат

	электротехник буюмларини созлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	
29	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Овқат пиширадиган электр асбобларини таъмирлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
30	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Чудо электр печлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
31	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ўзгармас ток, электр занжир» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
32	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Уч фазали электр занжирлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
33	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр ўлчашлар ва асбоблар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
34	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ўзгарувчан ток электр машиналари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
35	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр майдон» мавзусини ўқитиш методикаси.	4соат
36	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Трансформаторлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
37	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электромагнитизм» мавзусини ўқитиш методикаси.	6 соат
38	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Алоқа тармоқлари – шу йўсиндаги аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ва дастлабки тайёрлаш асослари» мавзусини ўқитиш методикаси.	8 соат
39	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр майдон» мавзусини ўқитиш методикаси.	6соат
40	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ўзгармас ток электр занжири» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
41	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электромагнитизм» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
42	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Бир фазали ўзгарувчан ток электр занжирлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6 соат
43	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Уч фазали электр занжирлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
44	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр ўлчашлар ва асбоблар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
45	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Трансформаторлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
46	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ўзгарувчан ток электр машиналари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
47	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ўзгармас ток электр	4 соат

	машиналари» мавзусини ўқитиш методикаси.	
48	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва узатиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
49	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Бошқариш ва релели электр аппаратураси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
50	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр юритма асослари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
51	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электроника асослари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6 соат
52	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Дастгоҳларни электрюритувчилари» мавзусини ўқитиш методикаси.	8 соат
54	Касб-ҳунар коллежларида «Двигател электр – жиҳоз асбобларини қисмларга ажратиш ва уларни йиғиш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
55	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр ёйли пайвандлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
56	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр шлакли пайвандлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
57	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр – нур пайвандлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
58	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Контактли пайвандлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	4 соат
59	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Газ алангасида пайвандлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
60	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Двигателларни соvuтиш системаси ва уни мойлаш системаларини қисмларга ажратиш ва йиғиш, двигателларни қисм ва узелларга ажратиш ва уларни йиғиш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
61	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Двигател электр – жиҳоз асбобларини қисмларга ажратиш ва уларни йиғиш» мавзусини ўқитиш методикаси	6 соат
62	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр асослари» мавзусини ўқитиш методикаси	4 соат
63	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр вакуум ва газ разрадли асбоб» мавзусини ўқитиш методикаси	4соат
64	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ярим ўтказгичли асбоблар» мавзусини ўқитиш методикаси	4 соат
65	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Фото электрли асбоблар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
66	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электрон	4 соат

	тўғирлагичлар ва стабиллизаторлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	
67	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электрон кўпайтиргичлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
68	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электрон генераторлар ўлчов асбоблари. Интеграл схемалар тўғрисида маълумот» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
69	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр таъмирлаш системаси ҳақида умумий маълумотлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
70	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Акумуляторлар батареяси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
71	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Генераторлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
72	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Реле- регуляторлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
73	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ёндириш системаси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
74	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Оддий контактли ёндириш системаси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
75	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ярим ўтказгичли ёндириш системаси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
76	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ёндириш системаси асбоблари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
77	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Марказдан қочувчи, вакуумли регуляторлар ва октант корректорнинг тузилиши ва ишлаши» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
78	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Ёндириш системаси нуқсонлари» мавзусини ўқитиш методикаси	4 соат
79	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Электр юрғизиб юбориш системаси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат
80	Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига «Стартерлар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4 соат

5140900 – Касб таълими
(5810300—Сервис: Шахсий тикув буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш)

т/р	Курс иши мавзуларининг номи	Ажратилган соат
1.	КҲК ўқувчиларига «Тўқимачилик толалари таснифи ва уларнинг хоссалари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
2.	КҲК ўқувчиларига «Химиявий толалар турлари ва уларни олиш усулари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
3.	КҲК ўқувчиларига «Калава ип ва уларнинг хоссалари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
4.	КҲК ўқувчиларига «Газламаларни пардозлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
5.	КҲК ўқувчиларига «Газламаларни стандартлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	
6.	КҲК ўқувчиларига «Табиий толали газламалар ассортиментини» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
7.	КҲК ўқувчиларига «Жун толалар ва газламалар ассортиментини» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
8.	КҲК ўқувчиларига «Табиий ва жун толалар аралашган газламалар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
9.	КҲК ўқувчиларига «Табиий ва синтетик толалар аралашган газламалар» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
10.	КҲК ўқувчиларига «Тикув машина қисмлари ва механизмлари ҳақида умумий тушунча» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
11.	КҲК ўқувчиларига «Костюмлик газламалар асортименти ва турлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
12.	КҲК ўқувчиларига «Елим қотирмалар ва уларга ишлов бериш» мавзусини ўқитиш методикаси	4
13.	КҲК ўқувчиларига «Икки иплик мокилик баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёни ва баҳяқатор ҳосил қилувчи машиналар таърифи, тузилиши, лойиҳалаш ва ишлаш.» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
14.	КҲК ўқувчиларига «Тўқимачилик толалари таснифи ва уларнинг хоссалари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
15.	КҲК ўқувчиларига «Химиявий толалар турлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
16.	КҲК ўқувчиларига «Химиявий толалар турлари ва уларни билиш усуллари» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
17.	КҲК ўқувчиларига «Тикув машиналарида қўлланувчи мослама ва электр юритиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
18.	КҲК ўқувчиларига «Толалар тушунчаси ва уларнинг	4

	классификацияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	
19.	КХК ўқувчиларига «Аёллар кўйлагини тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
20.	КХК ўқувчиларига «Аёллар кўйлак андозасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
21.	КХК ўқувчиларига «Кўйлак виточка, чўнтак вам айда деталларини тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
22.	КХК ўқувчиларига «Кўйлак тақилмасини тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
23.	КХК ўқувчиларига «Ёқа тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
24.	КХК ўқувчиларига «Ёқани ўмизига ўтказиш»мавзусини ўқитиш методикаси.	4
25.	КХК ўқувчиларига «Енг тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
26.	КХК ўқувчиларига «Эркаклар кўйлагини чўнтагини ва кокетка қисмини тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
27.	КХК ўқувчиларига «Эркаклар ёқасига ишлов бериш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
28.	КХК ўқувчиларига «Қўл ва машина ишлари терминалогияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
29.	КХК ўқувчиларига «Тўғри фасонли юбка конструкциясини қуриш. Андазасини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
30.	КХК ўқувчиларига «Маҳсулотларни бирлаштиришда ишлатиладиган бирлаштирувчи чоклар» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
31.	КХК ўқувчиларига «Юбкани бичиш ишлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
32.	КХК ўқувчиларига «Деталл қирқимларига ишлов берилганда ишлатиладиган четки чоклар» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
33.	КХК ўқувчиларига «Юбканинг бел тақилмасига ишлов бериш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
34.	КХК ўқувчиларига «Буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган безак детал ва чоклар» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
35.	КХК ўқувчиларига «Маҳсулотларни тайёрлашда ишлов бериш турлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
36.	КХК ўқувчиларига «Аёллар енгил кийимини айрим деталларига ишлов бериш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
37.	КХК ўқувчиларига «Юбкага намлик-иссиқлик билан ишлаш ва топшириш ишлари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
38.	КХК ўқувчиларига «Аёллар кўйлаги ва кофтасини шёлк ва	6

	шерст материалидан тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	
39.	КХК ўқувчиларига «Аёллар шим чизмасини чизиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
40.	КХК ўқувчиларига «Аёллар енгил кийимини примерка билан тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
41.	КХК ўқувчиларига «Шимни бичи шва тикишга тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
42.	КХК ўқувчиларига «Эркаклар кўйлагини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
43.	КХК ўқувчиларига «Шимни чўнтагини чизиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	4
44.	КХК ўқувчиларига «Аёллар енгил кийими ва эркак кўйлагини ҳар хил турларини тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
45.	КХК ўқувчиларига «Нақш гулларини тасвирлаш (картон коғозда турли хилдаги нақш турларини тайёрлаш)» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
46.	КХК ўқувчиларига «Нақшни асосий ипларда тасвирлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
47.	КХК ўқувчиларига «Халқ хунармандчилиги тўғрисида умумий маълумот. Миллий кийимлар ҳақида. Каштачиликда ишлатиладиган асбоб ускуналар» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
48.	КХК ўқувчиларига «Каштачилик ранглари ва ранг тайёрлаш. Каштачилик ишлатиладиган чоклардан нақшлар тикиш. Ёрма чоки, илма чоки бахия чоки» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
49.	КХК ўқувчиларига «Занжир чоки, танда чок, чамак чоклар тикиш. Ироқли чок, босма чок, хамдози чоки, сим чокларини тикиш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
50.	КХК ўқувчиларига «Зардўзлик санъати тарихи ва унинг ривожланиши. Зардўзлик хунарининг моҳир усталари. Шахсий гигиена ва меҳнат эстетикаси. Хавфсизлик техникаси қоидалари» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
51.	КХК ўқувчиларига «Қиз болалар кўйлақларини моделлаштириш, безаш ва тикиш технологияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
52.	КХК ўқувчиларига «Аёллар ўзбекча кўйлагини моделлаш» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
53.	КХК ўқувчиларига «Эркаклар костюминини лойиҳалаш ва тикиш технологияси» мавзусини ўқитиш методикаси.	6
54.	КХК ўқувчиларига «Аёллардан турли фасондаги шимини лойиҳалаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6

5140900 – Касб таълими (55206000 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари ва уларни автоматлаштириш)

№	Курс иши мавзуларининг номи	Ажратилган соат ҳажми
1.	«Касб-хунар таълими махсус фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш шакл ва методлари».	4
2.	«Касб-хунар таълими дарсларини самарадорлигини ошириш технологияси».	4
3.	«Касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари билан узвий боғланиш асослари».	4
4.	«Касб-хунар таълими дарсларида ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш методикаси».	4
5.	«Касб-хунар таълимининг дидактик тамойиллари»	4
6.	«Касб-хунар таълимида қўлда бажарадиган технологик операцияларнинг методлари».	4
7.	«КХКлари устахоналарида бажариладиган ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш».	4
8.	КХК ўқувчиларига «Деталларни йиғиб бирикмалар ҳосил қилиш» мавзусини ўқитиш методикаси	4
9.	КХК ўқувчиларига «Шаклдор юзаларга ишлов бериш мавзусини ўқитиш методикаси» мавзусини ўқитиш методикаси	4
10.	КХК ўқувчиларига «Резьбали юзаларга ишлов бериш» мавзусини ўқитиш методикаси	4
11.	КХК ўқувчиларига «Токарлик винт-қирқиш дастгоҳлари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
12.	КХК ўқувчиларига «Фрезалаш гуруҳидаги дастгоҳлар» мавзусини ўқитиш методикаси	4
13.	КХК ўқувчиларига «Резьба очиш дастгоҳлари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
14.	КХК ўқувчиларига «Металлмас материаллардан деталлар тайёрлаш» мавзусини ўқитиш методикаси	4
15.	КХК ўқувчиларига «Деталларга жилвирлаб ишлов бериш. Доиравий жилвирлаш асбоблари, абразив материаллар, жилвирлаш усуллари» мавзусини ўқитиш методикаси	6
16.	КХК ўқувчиларига «Цилиндр тешиқларга кесиб ишлов бериш, пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш» мавзусини ўқитиш методикаси	6
17.	КХК ўқувчиларига «Металларга кесиб ишлов бериш	6

	учун ишлатиладиган асбоблардан кескичнинг кесувчи қисми, геометрик параметрлари» мавзусини ўқитиш методикаси	
18.	КХК ўқувчиларига «Чўян ишлаб чиқариш. Домна печининг тузилиши» мавзусини ўқитиш методикаси	6
19.	КХК ўқувчиларига «Пўлат ишлаб чиқариш. Кислородли конвертор, мортен ва электр печларда пўлат ишлаб чиқариш» мавзусини ўқитиш методикаси	8
20.	КХК ўқувчиларига «Металлар ҳақида умумий маълумотлар» мавзусини ўқитиш методикаси	4
21.	КХК ўқувчиларига «Токарлик кескичлари турлари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
22.	КХК ўқувчиларига «Чилангарлик ўқув устахонаси иш асбоблари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
23.	КХК ўқувчиларига «Заготовкани режалаш» мавзусини ўқитиш методикаси	4
24.	КХК ўқувчиларига «Пармалаш дастгоҳининг тузилиши» мавзусини ўқитиш методикаси	4
25.	КХК ўқувчиларига «Резьба қирқиш асбоблари» мавзусини ўқитиш методикаси	4
